ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 31 (309) 2002 йил 31 июль, чоршанба. Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда

ҲАЛКАРО ХАБЛАР

АФҒОН ҲУКУМАТИНИНГ МУРОЖААТИ

Афғонистон ҳукумати чет давлатлар ва халқаро ташкилотларга мурожаат қилиб мамлакатни миналардан тозалаш ишларига ёрдам беришга даъват этган. Маълум бўлишича, ҳозир ҳар ойда 150-300 киши кўмилган миналар туфайли ҳалок бўлмоқда. Умуман йигирма йилдан ортиқроқ давом этган уруш натижасида 200 мингдан ортиқ одам мина портлаши натижасида ҳаётдан кўз юмган.

ҲАЛОКАТГА КИМ АЙБДОР?

Украина бош прокурори Святослав Пискуннинг қилган баёнотига қараганда ўтган шанбада Львовда бўлиб ўтган фожеага томошани бошқаришган раҳбарлар айбдор, чунки улар самолётни томошабинлар устидан учишга рухсат этганлар. Маълумки, ушанда самолётни ерга қулаб тушиши натижасида 83 киши ўлган ва юздан ортиқ киши эса жароҳат олган эди.

ЧЕЧЕНИСТОНДА НОТИНЧЛИК

Мана бир неча кундирки Чеченистонда яна нотинчлик. Россия аскарлари гоҳ у ер, гоҳ бу ерда бош кўтараётган чечен айирмачилари ҳаракатларига қарши курашмоқдалар. Бунинг устига Грузиянинг Панкиси дарасидан қуролли тўда Россия ҳудудига кириб келган. Замонавий қурол-аслоҳа билан таъминланган бу жангариларга қарши ҳам ҳаводан, ҳам қуруқликдан жанг олиб бориляпти. Йўқотишлар ҳақида тўла маълумотлар ҳозирча йўқ.

КИРКАРЯННИНГ ҲИММАТИ

Лас-Вегаслик асли арман миллатига мансуб К.Киркарян Арманистон иқтидорини кўтариш хусусан йўл қурилиши, туризмни ривожлантириш ҳамда Ереванни ободонлаштириш учун ўз ҳамёнидан 150 млн. доллар ажратган. Мухбирнинг айтишича, бу маблағ Вашингтоннинг розилиги билан бўлган, чунки рухсатсиз бир цент ҳам ажратилмайди.

ВАЗИЯТНИ ЮМШАТИШ ЙЎЛИДА

Исроил бош вазири А.Шарон Яқин Шарқдаги вазиятни бироз бўлса ҳам юмшатиш учун қўйилган блокпостлар сонини камайтиришга, у томонга ўтиб ишлайдиган 12 минг нафар фаластинликларнинг ишлашларига рухсат берган. Шунингдек, у Фаластин ҳукуматининг музлатиб қўйилган 15 млн. долларлик ҳисобини очишга ҳам розилик берган.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ - ВАСЕДА УНИВЕРСИТЕТИ ФАХРИЙ ДОКТОРИ

30 июл. Токио. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Президент Ислом Каримов Японияниг энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири - Васеда университетига ташриф буюрди. Шу муносабат билан мазкур илм даргоҳида бўлиб ўтган учрашувда университет ректори Окушима Такаясу Ислом Каримовнинг давлатни бошқариш, ривожлантириш ва икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги улкан хизматларини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон эришаётган ютуқлар, хусусан, изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг самаралари нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам аҳамияти катта эканлигини қайд этди.

Васеда университети Илмий кенгашининг қарорига биноан Ислом Каримовга мазкур олий ўқув юртининг фахрий доктори унвони берилди. Президентга бу ҳақдаги ҳужжат топширилди ва докторлик мантияси кийдирилди.

Йиғилиш сўнггида Ислом Каримов ўзбекистонлик талабалар билан мулоқотда бўлди. Ўзбекистон учун замонавий кадрларнинг аҳамияти, бу борада мамлакатимизга Япония томонидан кўрсатилаётган ёрдам ҳақида сўзлади.

Японияниг турли олий ўқув юртларида етмишга яқин ўзбекистонлик талаба таълим олмоқда.

Шу куни Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида 348 миллион иен миқдорида грант ажратиш тўғрисидаги битим имзоланди. Бу ҳужжат яна 20 нафар ўзбекистонлик йигит-қизнинг Японияда таҳсил олиши учун имконият яратади.

Президентимизнинг Японияга ташрифи учрашувларга бой кечмоқда. Ислом Каримов «Империал» меҳмонхонасида «Мицуи» компанияси президенти Шинжиро Шимидзуни қабул қилди. Ушбу компания мамлакатимиздаги кўплаб йирик лойиҳаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Учрашувда Ўзбекистон билан «Мицуи» ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари, амалга оширилаётган ва келгусида ижро этилиши мўлжалланаётган қўшма лойиҳаларга оид масалалар муҳокама қилинди.

Президент Ислом Каримов Япония Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар билан учрашди. Унда Японияниг собиқ бош вазири Йосиро Мори, ЛДПнинг сиёсий ишлар бўйича комиссияси раиси, «ЛДП-Ўзбекистон» дўстлик лигаси президенти Таро Асо, Лига бош котиби Нарияки Накаяма давлатимиз раҳбарининг мазкур ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтаришига умид билдирди.

«Токио Каикан» меҳмонхонасида Япония ишбилармонлари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов Ўзбекистондаги буюк ўзгаришлар, хорижлик сармоядорлар учун яратилаётган қулай шароитлар ҳақида сўзлади.

Давлатимиз раҳбарининг Японияга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси 2002 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 29 июль.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари тўғрисида.

2. Ўзбекистн Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида.

3.«Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида.

4.«Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш)

.5.«Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир) лойиҳаси ҳақида.

6.«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

7.«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

8.«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

9.«Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

10.«Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси тўғрисида .

11.Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

12.Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

***

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига таалуқли бошқа масалалар ҳам киритилиш мўлжалланмоқда.

Айни кунларда анъанавий тарзда ўтказилаётган «Футболимиз келажаги» маҳалла ўсмирлари ўртасидаги футбол турнири мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Маълумки, ушбу турнир уч тоифа ёшдаги ўсмирлар ўртасида ўтказилмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, «Футболимиз келажаги» турнирининг барча босқичлари мусобақаларида қатнашаётган ўйинчиларнинг оддий маҳалла ўсмирлари эканига қарамай, бу тадбир каттаю кичик футбол ишқибозларида унутилмас таассуротлар қолдириб, олқишларига сазовор бўлмоқда. Албатта, ўйинчи-болаларнинг ўзлари ҳам бу ўйинлардан олам-олам завқ олмоқдалар.

Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ғолиб жамоалар аниқланиб, улар республика баҳсига йўлланмалар олишмоқда.

«Футболимиз келажаги»

ТОШКЕНТ ШАҲРИ.

15-16 ёшлилар ўртасида ўтказилган финал мусобақалари ғолиблари ҳам аниқланди: 1-ўринда Шайхонтоҳур туманининг Гулобод маҳалласи жамоаси, 2-ўринда Мирзо Улуғбек туманининг Оққўрғон маҳалласи жамоаси, 3-ўринда Хамза туманининг Усмон Носир номли маҳалласи жамоаси. 9-12 ва 12-14 ёшли ўсирлар ўртасида Тошкент шаҳри бўйича ғолиб жамоалар яқин кунларда аниқланади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.

Вилоят биринчилиги учун 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида ўтган мусобақаларда Оққўрғон тумани Уста Нормат маҳалласи жамоаси Янгийўл шаҳрининг Фарҳод маҳалласи жамоаси билан финалда куч синашиб ғолибликни қўлга киритди.

Бу гуруҳда Чирчиқ шаҳрининг Ишонч маҳалласи жамоаси вилоятда учинчи ўрнини эгаллади.

12-14 ёшли маҳалла ўсмирларидан тузилган жамоалар ўртасидаги мусобақалар ҳам жуда қизғин ва шиддатли тарзда ўтди. Бу тоифада вилоят ғолиби деган шараф Оққўрғон туманининг Ўзбекистон маҳалласи жамоасига насиб этди.



Тўп билан маҳалла ёшлари

АНДИЖОН

«Футболимиз келажаги» кубоги турнирида фаол иштирок этган 800 дан ошиқ маҳалла фуқаролар йиғинларининг футбол жамоалари ўртасида қизғин беллашувлар бўлиб ўтди.

15-16 ёшли ўсмирлар мусобақасида Андижон шаҳридаги 8-сон маҳалла фуқаролар йиғини (раиси Одилжон Султонов) «Ғолиб» футбол жамоаси (мураббийси Алижон Маражабов)нинг қўли баланд келди. Шунингдек, вилоятнинг Булоқбоши, Хўжаобод, Бўз туманларидаги Нефтчи, Узункўча, Гузар маҳалла фуқаролар йиғинларининг «Нефтчи», «Хўжаобод», «Сероб» футбол жамоалари бу беллашувда 2,3,4 ўринларни забт этишди.

12-14 ёшли ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда шаҳарнинг «Мирпўстин» футбол жамоаси ғолиб бўлди. Асака шаҳридаги Дўстлик, Қўрғонтепа, Олтинкўл туманларининг «Савай», «Ғалаба» футбол жамаолари эса кейинги ўринларни эгаллашди. Ёш футболчилар бош совринни қўлга киритиш ҳамда ўз маҳаллалари обрўсини ошириш мақсадида сўнгги босқич мусобақаларига қизғин тараддуд кўришмоқда.

Адаҳамжон ОМОНБОЕВ, «Mahalla» мухбири.

ЖИЗЗАХ

Жиззах шаҳри, Ғаллаорол, Пахтакор, Дўстлик, Зомин, Фориш ва Зафаробод туманлари маҳаллаларининг ёш футболчилари яхши натижаларга эришмоқдалар. 15-16 ёшлилар ўртасидаги мусобақаларнинг вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаган Жиззах шаҳар Иттифоқ маҳалласи футбол жамоаси республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. .

- Маҳаллаларнинг футбол жамоалари ўртасида ўтказилаётган мусобақалар спортнинг оммалашиб бораётганини кўрсатаяпти, - дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси ўринбосари Шамсиддин Жўраев.

Прадабой ТОЖИБОЕВ, «Mahalla» мухбири.

ҒИРРОМ ЎЙИН УЧУН ЖАЗО

Навоий шаҳридаги «Кимёгар» ўйингоҳида «Футболимиз келажаги» турнирининг 15-16 ўсмир ёшлар ўртасида Навоий вилояти биринчилиги учун ярим финал ва финал босқичи ўйинлари бўлиб ўтди. Биринчи бўлиб майдонга Навбаҳор туманининг Юқори Бешработ маҳалласининг «Юқори Бешробат» командаси Навоий шаҳри Турон маҳалласининг «Турон» командасига қарши майдонга тушди. Ўйин 0-2 ҳисобида навоийликлар фойдасига ҳал бўлди. Сўнгра Зарафшон шаҳрининг «Ёшлик» командаси Навбаҳор туманининг «Юқори Бешробот» командаси билан ўзаро куч синашдилар. Бу баҳсда 4:1 ҳисобида ғалаба қозонган «Ёшлик» командаси финалда иштирок этадиган бўлди. Шундай қилиб вилоят ғолиблиги учун баҳс Навоий шаҳрининг «Турон» ва Зарафшон шаҳрининг «Ёшлик» командалари ўртасида давом этди.

Ўйин 2:1 ҳисоби билан Навоийнинг «Турон» командаси фойдасига ҳал бўлди. Лекин... ғолиб Зарафшон шаҳрининг «Ёшлик» командаси деб топилди. Бундай бўлганлигига сабаб шундаки Навоий шаҳрининг «Турон» командаси сафларига Навоий шаҳрининг ярим финал ва финал ўйинларида қатнашмаётган «Кимёгар» командаси ўйинчиси Жасурбек Умаровни қўшиб олишган экан. Шу сабабли «Турон» командаси жазоланиб, ғолиблик Зарафшоннинг «Ёшлик» командасига олиб берилди. «Ёшлик» командаси 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида вилоят ғолиби бўлди. Бу ерда ҳақли савол туғилади? Ўйинчи ўйинга қатнашиш учун Низомда кўрсатилганидек сурати ёпиштирилган варақани келтирган ҳолда ўйинга қўйилиши керак, ўйинчилар ўйинга тушишдан олдин судьялар, шаҳар, вилоят, спорт қўмиталари мутахассислари текширувидан ҳам ўтиши керак эмасми? Бундай ҳол юз бергани нафақат командининг эмас, футбол мусобақаларини ўтказишга масъул бўлган шахсларнинг ҳам айби эмасми?

Хабибулла ХОШИМОВ, «Mahalla» мухбири.

ҚАШҚАДАРЁ

«Футболимиз келажаги» турнирида Қарши шаҳридаги 62 маҳалла ёш спортчилари ўзаро куч синашдилар. 9-11 ёшлилар ўртасидаги мусобақада Чўлқувар, 12-14 ёшлилар ўртасидаги мусобақада Кунчиқар, 14-16 ёшлилар беллашувида Пахтазор маҳаллаларининг ёш чарм тўп ишқибозлари ғолиб чиқдилар.

Мусобақа Низомига кўра 12-14 ёшли футболчилар мусобақаси республика босқичи Қарши шаҳрида ўтказилади. Унда ёшлар Самарқанд ва сурхондарёлик тенгдошлари билан куч синашадилар. Биринчи ўрин учун бўлган баҳсларда қатнашган иқтидорли ёш ўсмирлар спорт мактабларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Ўз мухбиримиз.

Шу сонинг

2-САҲИФАСИДА

* Бир ҳовлида бир юз эллик турфа гул...
* Кўчалари ўнқир-чўнқир маҳалла(ми)!?
* Ҳой иним, чойинг борми, ... инсофинг-чи?

3-САҲИФАСИДА

* «Муножот»ни соғинганлар учун суҳбат.
* Истеъфодаги полковникнинг иқрори.
* «Мендан рози кетганмисиз, онажон?..»

4-САҲИФАСИДА

* Исёни ҳам, иқрори ҳам инобатга олинмаганди!
* Аёл жиноятчи бўлмасин учун...
* Бизда ҳангоманинг янгиси бор, сизда-чи?

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:
Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий:
«Матбуот тарқатувчи» хиссадорлик жамияти

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

МУАММО ЕЧИМИ ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ҚАРАТИЛАДИ

- Нокамтарликка йўйманг-у, одамлар билан ишлашда аввало уларнинг руҳиятини ўрганмоқ лозим экан, - дейди мухбиримиз билан суҳбатда Денов тумани ҳокимининг муовини Т.ТУРДИЕВ.

Бу ўз ўрнида ижобий самаралар беради. Масалан, туман ҳокимлигига кунига ўнлаб одамлар ўз муаммоларини ҳал этиш мақсадида мурожаат қиладилар. Биламан, барчасининг муаммосини бирданига ҳал қилиб бўлмайди. Бироқ раҳбарнинг хуш муомаласи одамларнинг унга бўлган ишончини мустаҳкамлар экан. Шунингдек, қабулга келганларнинг гапларидан улар ёлғон ваъдалардан безиб қолганлиги шундоққина сезилиб турарди. Шуни эътиборга олиб, бор ҳақиқатни рўйи-рост айтишга жазм қилганмиз. Аслида, ҳар қандай муаммо замирида инсон манфаати, қадр-қиммати ётади. Муҳтарам юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Инсон ислоҳат учун эмас, ислоҳат инсон учун» деган ҳикматли иборалари бежиз айтилмаганлигини узоқ йиллик фаолиятим жараёнида янада чуқурроқ ҳис этдим.

Кейинги йилларда кўпгина ижобий натижаларга эришдик. Шу жумладан саноат ишлаб чиқариш соҳаси ҳам сезиларли даражада ўсди.

Қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлари билан бир қаторда, туманда кенг қўламда ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Шаҳарнинг қоқ марказидан ўтувчи катта йўлни кенгайтирдик. Кўчаларни қайта асфальтладик. Шаҳар қадимий ботқоқлик ўрнида бунёд бўлгани сабабли зах сувни қочириш, ариқ зовурларини қайта таъмирлаб тозалашга кўпроқ эътибор қилдик. Маҳаллаларимиз оқсоқоллари, фаоллари бош-қош бўлишди. Ҳали муаммолар кўп, халқ таълимида икки ва ундан ортиқ босқичда ўқитилаётган мактабларимиз бор. Ночор аҳволдаги ўқув муассасалари ҳам йўқ эмас. Бу муаммоларни бартараф этиш мақсадида бевосита халқ билан маслаҳатлашиб дастур ишлаб чиқдик. Ишни ана шу дастур асосида ташкил этганмиз.

Энг оғир муаммолардан бири, бу - аҳолини иш билан таъминлаш масаласидир. Ўтган 2001 йилда хусусий секторни ривожлантириш ва ички имкониятлар ҳисобига 2085 нафар киши ишга жойлаштирилди. Бу борада белгилаган тадбирларимиз бор. Асосийси, халқимиз ҳар бир муаммони четдан кимдир келиб ҳал қилиб бермаслиги, унга ўзимиз ечим топишимиз лозимлигини тушунади.

Маҳалла - жамият таянчи. Ёшлар ибрат оладиган ҳаёт мактаби. Шу сабабли маҳаллани ким бошқаришига биз бефарқ эмасмиз. Маҳаллада обрўси бор, одамларни изидан эргаштира оладиган оқсоқоллар ҳақиқий маънодаги таянчларимиз ҳисобланади. Туманда юздан ошиқ маҳаллалар бор. Уларнинг барчаси ишлаб чиқаришда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам энг ишончли ҳамкорларимиз. Ободонлаштиришдан ташқари жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларида ҳам маҳалланинг ўрни беқиёс.

Назар Шукуров раислик қилаётган С.Раҳимов номли 1-маҳалла, Мусаллам Собирова раислик қилаётган Тасмасой маҳалласи, Зулхумор Саидова раис бўлган Бобораҳмат Юсупов номли, Амир Муродов раис бўлган Кўкабулоқ маҳаллаларида йўлга қўйилган ишлар эътиборга молик. Мазкур маҳаллалар фаоллари доим аҳоли ўртасида, намунали ишларни уюштириб, халқ олқишини олмоқдалар. «Маҳалланг обод-рўзғоринг обод» дейди халқимиз.

2002 йилнинг ўтган вақтида 2742 нафар нуроний тиббий кўрикдан ўтказилиб, 684 нафарига тиббий муолажа кўрсатилди. 362 нафарига амбулатория, 145 нафарига уй шароитида, 43 нафарига стационар шароитида ёрдам кўрсатилди. 65 нафар қария Республика санаторийларида, 40 нафар қария тумандаги Абу Али Ибн Сино санаторийсида бепул дам олдилар. 32 нафар нуроний онахон туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғаси билан тақдирланди. Юз ёшдан ўтган 21 нафар онахонларимиздан уйларига бориб, хабарлашиб турибмиз. 58 нафар кам таъминланган оила қарияларига моддий ёрдам уюштирилмоқда. Йилнинг биринчи чораги давомида нуроний кексаларимизга 117231 сўмлик дори-дармон бепул берилди. Кўплаб отахон-онахонларимиздан юртимиздаги муқаддас зиёратгоҳларга саёҳат уюштириш таклифи тушганини инобатга олиб, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига саёҳат ташкил қилинди. Бахтимизга кексаларимиз омон бўлишсин. Зеро «Қари билганини пари билмайди», - деган мақол шиоримизга айланиб, биз улардан кўплаб пурҳикмат маслаҳатлар оламиз.

Суҳбатдош: Омон ШУКУР, «Mahalla» мухбири.

Сурхондарё

Сен - порлаган юлдузим,
Нурли-нурли кундузим,
Замин ичра илдизим,
Ортимда қолар изим,
Эл ичра ёруғ юзим -
Жон қизим, она қизим!

Олам турфа

АСАБИ БАРДОШ БЕРА ОЛМАДИ

Таиландлик 20 яшар йигит 18 ёшли ўз рафиқасини футбол бўйича XVII жаҳон чемпионати бўлаётган кезда отиб ўлдирган.

Эр-хотин орасидаги келишмовчилик Италия ва Мексика командалари ўртасида бўлаётган ўйинида юз берди. Ёш келин эрини чемпионат бошланмасдан икки ҳафта олдидан бошлаб рўзғорга қарамай қўйганлиги учун айблаган. Эр эса унинг гапига парво қилмай телевизорга михлангандай қадалиб ўтираверган. Бунга чидай олмаган келин телевизор пультини эрининг қўлидан тортиб олади. Пультни эгаллаш учун бўлган жанжал уйида тугамади, уларни полиция участкасига етакладди ва у ерда эр-хотинни муросага келтиришди. Эртаси куни аёл эрига оқибатини ўйламай кечаги бўлиб ўтган воқеаларни негадир эсга туширди. Шунда ўзини боса олмай қолган эр столда турган пистолетни олиб хотинини отиб ўлдириб қўйганлигини ўзи ҳам билмай қолди.

ЯШИРИНСА ҲАМ БЎЛМАДИ

Владивостоклик қирқ ёшли Д. ўзига хос «ноёб» касбни эгаллаган бўлишига қарамай, охири тумшуғидан илинди.

Анчадан бери милиция уни пайига тушган эди. Унинг қиладиган иши тунда кўп қаватли уйлар лифтларидан ўзига керакли қисмларни ўмариш эди. Бу гал лифтни 9-қаватда тўхтатиб энди иш бошлаган эдики, зинадан тепага кўтарилиб у томонга келаётган кишиларни сезиб ўзини ахлат ағдарадиган труба ичига урди. Тушаётганида уст боши йиртилиб, ҳамма ёғи қонга беланиб, унинг тортган азоби ҳам жонига оро кирмади. Чунки уни пастда милиция наряди кутиб турарди...

ИЧГАНЛАРНИ АЙИҚ ҲАМ ЁҚТИРМАЙДИ

Самаралик фуқаро Н.га бу галги ичиши қимматга тушди.

Кайфи бўлмаганида у темир панжарага асло яқинлаша олмасди, албатта. Бироқ ичган одамга дарё ҳам тўпиғигача экан-да. Шунинг учун ҳам у қўшниси ўргатаётган айиқ билан бир ўйнашкиси келиб қолди ва айиқни эркаламоқчи бўлиб қўлини ичкарига тиқди. Бунинг оқибатида эса у касалхонага равона бўлди. Унинг гапига қараганда айиқ панжаларини чиқариб уни ичкарига тортган эмиш. Шундай бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, чунки ҳайвонлар ҳам ичкилик ҳидини ёқтиришмайди. Нима бўлганда ҳам у айиқ эгасини судга бериш ниятида.

КУТУБХОНАДА МАНЗУР КИТОБ

Мустақиллик йилларида юртимизда кутубхоналарнинг фаолият кўлами анча кенгайди.

Бунга Урганч тумани марказий кутубхонаси фаолияти билан танишганимизда яна бир бор амин бўлдик.

Зиё маскани мўъжазгина бинода жойлашган. Ичкарига киришимиз билан «Қарияларни қадрлаш йили», «Президент асарларини ўрганамиз», «Ёшлар - давримиз таянчи», «Аср вабосидан огоҳ бўлайлик!», «Қариси бор уйнинг, париси бор», мавзуидаги кўргазмали бурчакларга кўзимиз тушди. Уларнинг ҳар бирига зарур адабиётлар, китоб, газета ва журнал тахламлари билан бойитилган.

Қирралари нақшли рамкалардан «Mahalla» газетасининг турли сонларида эълон қилинган мақолалар ўрин олган.

- Кўргазма учун айнан «Mahalla» газетасини танлашингизнинг боиси нимада? - сўраймиз кутубхона директори Хонимжон Маримовадан.

- Чунки бу газетада оила, тарбия, одоб-ахлоқ ҳақида ва маҳаллаларимиз ҳаётига оид мақолалар чиқадида, - дейди у ҳозиржавоблик билан. - Уларда бугунги ўзбек оилаларининг турмуш тарзи, қувонч ва ташвишлари ҳаққоний акс эттирилган. Бошқа кутубхоналарда бўлмаган Абу Райҳон Беруний номли «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китоби, Абу Али ибн Синонинг 1959 йилда чоп этилган ўн томлик «Тиб қонунлари» асарлари ҳам кутубхонага файз бахш этиб турибди. «У ким, бу нима» болалар энциклопедияси (1987 йил), «Қишлоқ хўжалиги энциклопедияси» (1972 йил), А.Навоийнинг «Хамса» асари (1960 йил), «Бобоурнома» (1960 йил), «Ҳайвонотлар олами», «Ўсимликлар олами» каби энциклопедияларини ҳам ушбу зиё масканида учратиш мумкин. Эндиликда умумий китоб фонди 28 минг донадан ошиқроқни ташкил этади. Шу йилнинг олти ойи мобайнида 1740 нафар китобхон кутубхона хизматидан баҳраманд бўлишди.

- Инсонга китобдан яхши дўст йўқ, - дейишади кутубхонанинг фаол хизматчилари Э.Маткаримова, Г.Қаторовалар биз билан суҳбатда. - Китобни севган ҳар бир киши буни аниқ ҳис этади.

Кодир МУЛЛАЕВ, «Mahalla» мухбири.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Кексаларнинг дуосини олган кишининг ризқи баланд бўлиши азалдан маълум. Наманган вилояти Тўрақўрғон туманининг Ғўрғела маҳалласининг тадбиркорларидан бири Маъсудахон Содиқова (ўртада) ҳам маҳалланинг нуроний онахонлари дуосини олишни ҳам қарз, ҳам фарз ҳисоблайдиган тадбиркорлардан.

АНДИЖОННИНГ ГУЛЗОР МАҲАЛЛАЛАРИ

Андижон вилоятининг Андижон тумани маҳаллаларида, хонадонларида бўлган киши бу ерда ҳар бир маҳалла, оила ўз маҳалласи, хонадонини гулларга буркаш, тоза ва озода сақлаш, тадбиркорлик ва ҳалол меҳнат билан турмуш фаровонлигини яхшилаш учун баҳс бойлашиб яшаётганига гувоҳ бўладилар.

Биз туман ҳокимлиги вакиллари билан вилоятда анъанага айланган «Андижонни гуллар вилоятга айлантирайлик» кўрик-танловига маҳаллаларда тайёргарлик кўришнинг аҳволи билан танишган вақтимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Асака йўлининг икки четидаги 10 километрга чўзилган хушманзара гулзорни кўрган кишининг кўзи қувонади, дили яйрайди. Бу гулзор ўзича бўлмаганини, бунинг тагида катта меҳнат ётганини, Қўнжи маҳалласи аҳли бу сермашаққат ишни уддасидан чиқишиб ҳар бир туп гулни кўз қорачиғидек парвариш қилаётганини кўриб уларга тасанно айтинг келади.

- Бу гулзорни гулга меҳр қўйган Зиёвиддин Хўжалиев бошлиқ 21 нафар гулчилар яратишди, - дейди Қўнжи қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Олимжон Мамарасулов, - уларнинг хайрли меҳнати туфайли қишлоғимиз тобора гўзаллашиб бормоқда.

Бешкарам маҳалласида ҳам савобли ишлар қилинмоқда. Маҳалла оқсоқоли Ғофиржон Бердиевнинг жонкуярлиги туфайли кўчалар тартибга келтирилди, қабристон ичи ва ташқи томонларида гулзорлар барпо этилган. Ҳалоқ бўлган уруш ва меҳнат фахрийларининг хотирасини абадийлаштиришга доир тадбир амалга оширилган.

Оқёрда Италия, Хитой каби мамлакатлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналарнинг ишга тушиши ободонлаштириш, ёшларни иш билан таъминлаш соҳасидаги ишларни яхшилашда муҳим омил бўлди. Хартум қишлоқ фуқаролар йиғини Гузар маҳалласида яшовчи Анваржон Каримов уйида бўлганимизда ўзимизни худди эртакларда тасвирланган жаннатмакон ҳовлига кириб қолгандек ҳис қилдик. Бу ерда 150 хил бир-биридан гўзал анвойи гуллар очилиб хонадонга ўзгача чирой бағишлаб турибди. Ҳатто чет эллардан келтирилган гуллар юртимиз қуёшидан баҳра олиб ўзининг бор чиройини кўз-кўз қилиб турибди. Хонадондаги саранжон-саришталик киши ҳавасини келтиради. Шунингдек, Ўрикзор маҳалласи фуқаролари Мирсултон Мамажонов ва унинг турмуш ўртоғи Фотимахон ая хонадонида ҳам 86 хилдан ортиқ гул ўстирилмоқда. Хонадон адирлик ён бағрида жойлашган бўлса-да, адир устида ҳам гул парвариш қилинмоқда. Бундай оилалар Андижон тумани маҳаллаларида кўпчиликни ташкил этади.

- Туманимизда 76 та маҳалла бор,- дейди туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Ҳасанбой Ҳакимов, - туманимиз вилоят марказига яқин жойда жойлашган йирик туманлардан бири. Биз вилоят ҳокимлиги раҳбарлигида маҳаллалардаги шароитларни, аҳоли яшаш тарзининг юқори даражада бўлиши учун ҳаракат қиляпмиз. Кўрик-танлов доирасида маиший, тиббий хизмат кўрсатиш, мактаб ва боғчаларда таълим-тарбия, спорт ишларини яхшилаш ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришни ҳам мақсад қилганмиз.

Адаҳамжон ОМОНБОЕВ, «Mahalla» мухбири.

Арзи-ҳол

ЮНУС ОТАНИНГ ЧИРОҚЛАРИ ҚАЧОН ЁНАДИ?

Олтмишдан ошиқ кўп қаватли уйлардан иборат бўлган Юнус ота номли маҳалламизда таъмирлаш-тузатиш ишлари ўлда-жўлда. Йўллар ўнқир-чўнқир, ёзда чанг, қишда лой...

Бузилган, тешилган қувурлардан оққан сув йўлакларда «кўл» бўлиб ётибди. Бундан ҳам аянчлиси, кўча чироқлари ёниб ўчаверганидан уйимиздаги радиопрёмникдан тортиб музлатгичгача, бариси ишдан чиқди, ҳисоб. Биз кексалар кечқурунлари ухлаш олдидан бироз сайр қилишни одат қилганмиз. Бироқ чироқлари ўчиб ётган, қоронғу, бунинг устига ўнқир-чўнқир кўчаларда йиқилиб майиб бўлишдан қўрқиб, кўчага чиқмай қўя қоламиз.

Шундай экан, биз фуқароларнинг яшаш шароитимизни яхшилаш ва камчиликларни тузатиш учун маҳалла оқсоқоли ёки ширкат раиси ҳаракат қилмоғи зарур-ку!

Электр тез-тез ўчавергани сабабли шу соҳа мутахассисларига мурожаат қилдик. Уларнинг айтишларича, электр ускуналари эскириб кетган эмиш. Хўш, эскирган буюмни янгилаш учун ким жон куйдирали?

Чингиз МАҲСУМОВ, Тошкент шаҳри Юнусобод туманида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси.

Ёздаги гаплар

ДАМ ОЛИШДА... ТОЛИҚДИК

Ёки Юсуфхонадаги «осмон» нархлар ҳақида

Дам олиш кунларининг бирида оила аъзоларимиз билан Чорвоқ томон йўл олдик. Чорвоқ сув ҳавзасининг табиати гўзал, ҳавоси мусаффо, салобат тўкиб турган тоғлар инсонга ҳузур бахш этишини ҳамма билади.

Не кўз билан кўрсакки, биз илгари дам олган тошлоқдаги капалар ўрнида бирбиридан ҳашамли, чиройли дам олиш уйлари, пансионатлар, оромгоҳлар қурилиши бошланиб кетибди. Бизнинг дам олиш ниятида келганимизни эшитган шу ердаги қурувчилар ҳозирча қурилиш майдонига айланган бу гўша келгуси йилдан минглаб кишиларнинг дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган жаннатмакон жойига айланишини айтиб, бироз юрсак Юсуфхона деган жой борлиги, бу манзилга бориб бемалол дам олишимиз мумкинлигини айтдилар. Манзилга етиб боргач, турнақатор машиналар ортидан дарвозага яқинлашдик. Дарвоза олдида сим тортиб турган назоратчи Бахтиёр Силдиқов ва хазиначи Муқаддасхон Ҳусаинова бу йил Қарияларни қадрлаш йили бўлганлиги боис пул олмасдан ўтказиб юборишди. Лекин бу кўнгилли ҳолат кейинги кўнгилхираликлар олдида ҳеч нарсага бўлмай қолди. Автомобиллар турадиган жой мослашмаган ўтлоқзор бўлиб, машиналар офтобнинг қизиғида қўл тегса куядиган даражада турипти. Ана шу «оташхона» учун ҳар бир енгил машинага 1000 сўмдан тўлайсиз. Ахир машина сигирмидики, ем-хашак сўраса? Шундай савол туғилиши шубҳасиз. Лекин савол ўринсиз - келдингизми, орқага қайтиш йўқ. Егулик нарсаларимизни олиб, усти ёпилган кароватлардан бирига жойлашмоқчи бўлиб тўхтадик. Ўша ерда юрган 14-15 ёшли қизалоқ югуриб келиб:

- Амаки, кароват банд. Лекин кароват нархи соатига минг сўмдан, кечгача ўтирсангиз ўн минг сўм тўлайсиз,-деди.

- Ўтин бўлмаса, овқатни қандай пиширамиз?

- Ўтин бор, овқатга етарлиси 2500-3000 сўм!

Бу ҳангомалардан таъбимиз тирриқ бўлиб, кароватдан умидни узиб, дам олмоқ учун сояроқ жой қидира-қидира кўплар қатори ичи сассиқ, кўкариб кетган, қоғозу овқат қолдиқларига тўлиб ётган, суви мутлақо оқмайдиган, бетондан қилинган ариқ бўйига жойлашдик. Болалар қийчув тўполон қилиб чўмилгани кетишди. Мен эса бир пиёладан чой ичсак, деган ниятда чойхона қидириб кетдим. Бир киши сал нарида ресторан ва ошхона борлигини айтди. Ичига 4-5 та пластмасс стол-стуллар қўйилган, таги цемент билан сувалган бу «ноёб» ресторанда ароқ, конъяк, пиво, хуллас кайф қиладиган ичимликлардан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Шунда «спрайт», кока-кола ичимлигидан олиб келиб туширишди. Қарангки, сиғими 250 грамм «спрайт»нинг бир шишаси 300 сўм!

- Нега қиммат? - ҳайратланиб сўраймиз.

- Йўл харажатлари, яна бошқа харажатлар ҳам борда, - совуққина жавоб берди сотувчи қиз. Тавба, унинг донаси 110 сўмдан 150 сўмгача сотилаётган жойларга ҳам ўзи оқиб келмагандир.

Ошхонада адашмасам бир кун олдин тўғралган сабзавотларнинг қолдиқ юқлари, сассиғидан нафас қайтади, «Менью» деб ёзилган қоғозга кўзим тушди:

1 чойнак чой - 200 сўм,
1 стакан қаҳва - 300 сўм,
салат - 1000 сўм.

Бир кило гўштдан тайёрланадиган қозон кабоб - 7000 сўм, бир кило гўштдан тайёрланадиган «Ажабсанда» 7000 сўм. Ўчоқбошида соқоли ўсиб кетган, кўйлагини белидан боғлаб олган бир йигитни учратдик. Сўраб-суриштирсак у киши ошхона ошпази экан.

«Чой топиладими?» - дедим. «Чой йўқ» - деди у.

- Ву ошхонами ўзи ё... (зардам қайнаб кетди.) Ахир ошхонаям шунақа ифлос бўладими?

- Эй, ака, нега ундай дейсиз, бу Республика Миллий Банкининг ошхонаси!

- Нархни ким қўйиб берган? Ахир қаранг, ҳаммаёқ ифлос-ку. Нима, Миллий банк ходимлари келиб ошхонангизни супуриб-сидириб, стол устини ювиб беришсинми?

Лекин унинг парвойи палак эди. Афтидан бу гапларни эшитавериб кўникиб қолган.

- Яна «ресторан»га кирдим. Ўзини «ресторан» бошлиғи деб таништирган йигитдан «Стол-стулингизда ўтириб турсак, кекса онахонимиз ерда офтобда - жуда қийналиб кетдилар», - деб илтимос қилдим. - «Бемалол, - деди у. - Ҳар бир стулга соатига 1000 сўмдан тўлайсиз». Бошим қотиб, ҳанг-манг бўлиб қолдим. Қаерга келиб қолдим ўзи? Буни қарангки, битта стол нархи тўртта стули билан 2 соатга 8000 сўм экан.

Офтоб тиғида куйиб-ёниб, болаларнинг хурсандчилиги учун шу азобларга чидаб, асабларимиз бузилиб қайтдик. Нарсаларимизни йиғиштириб энди кетмоқчи бўлиб турган эдик, 18-20 ёшлардаги йигит келиб, салом йўқ, алик йўқ:

-Қуруқ ерда ўтирганингларр учун 2000 сўм берингларр, - деб талаб қилди. Пулни қистаб туриб олди. Лекин жаҳлим чиққанини, ўзимни боса олмаётганимни кўриб, қочиб кетди.

Марҳамат ҳожи МУСЛИМОВ, «Сиҳат-саломатлик» журнали бош муҳаррири ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

«МУНОЖОТ»НИ СОҒИНИБ

- Санъат йўли кўпчилик ўйлагандек фақат ўйин-кулгудан иборат эмас экан. Катта саҳналарда қўшиқ кўйлаб, элу юртнинг ишончини қозонгунимча ўтган даврда жуда кўп машаққатларга дуч келдим. Улуғ санъаткорларнинг сабоқлари менга мадад бўлди. Умрим доимо куй-қўшиқ яратиш ва изланишлар оралиғида кечди...

- Бир пайтлар оддий ҳамшира эдим, қалбимдаги санъатга бўлган меҳр ҳаётимни бошқа йўлга буриб юборди, - дея хотирлайди Ўзбекистон халқ артисти Берта Давидова.

Бертахоним бир воқеани ҳаяжон аралаш сўзлайди: «Яқинда қўшни маҳалладан қайтаётсам, бир гуруҳ мактаб болалари менга чуғурлашиб салом беришди. Сўнг биттаси ёнидагига «Бу киши «Муножот»ни куйлаган қўшиқчи!» деб пичирлаганини эшитдим. Бошқа бири гапга қўшилиб: «Менинг бувим ўша «Муножот»ни эшитсалар йиғлайдилар!» деди. Мен болакайларнинг сўзларидан таъсирланиб кетдим. Айниқса кексайиб, уйда ўтириб қолган бир пайтингда ўзинг ҳақда яхши гапларни эшитиш ёқимли бўларкан...»

- Бу гўзал юртда Сиз ҳақда илиқ сўз айтгувчилар, Сизни соғиниб эслагувчилар, қўшиқларингизни хиргойи қила-қила ортингиздан эргашиб келаётганлар жуда-жуда кўп, - дедим мен улуғ санъаткор билан сухбатлашаётиб. У ўйланиб қолди. Сўнг менга санъаткорлик ҳаётида кечган баъзи бир воқеаларни сўзлаб берди.

«ОҚ, ОЙДИН КЎЧАЛАР...»

Марғилондан Тошкентга қадар мен шу қўшиқни куйлаб ўзимга ойдин кўча очдим.

...Болалигимни эсласам Марғилоннинг чекка бир маҳалласи, унинг сертупроқ кўчалари ва мўл-кўл боғлари хаёлимдан ўтади. Отамни катта Довудбой дейишарди, молу дунёси ошиб-тошган бўлса-да, ўта камтар, камбағалпарвар эдилар. Санъатга ҳаваслари баланд эди. Акам Мордухай Давидов яқин дўсти Мухтор Ашрафий билан бирга Москва консерваториясига ўқишга кетаётганларида ўзлари оқ йўл тилаб қолганлар. Акам у ёқдан опера артисти бўлиб қайтди. Мен ўшанда жуда ёш эдим. Мактабдан қайтаётиб, маҳалламиз ўртасига ўрнатилган радиокарнайдан берилаётган қўшиқларни эшитиб тўхтаб қолардим. Ҳалима Носирова «Оқ, ойдин кўчалар» қўшиғи билан танилаётган чоғлар эди. Мен бу қўшиқни карнайдан эшитиб ёдлаб олгандим, кун бўйи ўзимча уни хиргойи қилиб юрардим.

Кўп ўтмай «қулоқ қилиш» бошланиб, бизнинг ер-сувларимиз тортиб олинди. Марғилоннинг ойдин кўчалари бизга торлик қилиб қолди. Йўлдош Охунбобоев отамнинг бой бўлса-да, яхши инсон эканини билардилар. Отам вафотидан сўнг бизга ғамхўрлик қилиб йўл-йўлиқ кўрсатдилар. У кишининг маслаҳати билан онам биз бешала фарзандларини етаклаб Тошкентга йўл олдилар. Дастлаб жуда қийналдик... Кейинчалик мен тиббиёт техникумига кириб ўқий бошладим. Ҳамшира сифатида иш юритаётган кунларимда уруш борарди. Ёнимиздаги госпиталга ярадор жангчиларни тез-тез олиб келишарди. Мени ҳам шу жойга ишга чақирдилар. Ярадор аскарларни даволардик. Бир куни госпиталда катта санъаткорлар концерт беришди. Ўшанда аскарлардан бири «Бизнинг ҳамширамиз ҳам чекка-чеккада ўзича қўшиқ айтиб юради» деб юборди. Қўярда-қўймай саҳнага чиқаришди. Мен «Оқ, ойдин кўчалар»ни билганимча айтиб бердим. Санъаткорларни бошлаб келган Юнус Ражабий елкамга қоқиб, «Радиодаги ансамблимизга олиб кетсак, борасанми?» деди. Ўшандан сўнг қўшиқчилик фаолиятим бошланди. Қирқ беш йилча шу ансамблда ишладим.

ЎН ЕТТИ ЁШИМДА

шоҳ қўшиқ - «Муножот»ни куйлагандим

У кезларда қўшиқлар микрофонсиз айтиларди. Кўчага карнай ўрнатилган бўлиб, қўшиқларимиз шу карнай орқали ташқарига эшитилиб турарди. Бир куни радиодаги ансамблимиз раҳбари Имомжон Икромов «Сенинг овозинг мақомга тушади, бугун «Муножот»ни айтасан» деди. Эндигина ўн еттига тўлгандим, бу таклифдан чўчиб кетдим. Айта олармикинман, деб ўзимга савол берардим. Ичимда бир товуш «Ҳа, айта оласан!» дегандек бўларди. Кишининг ўзига бўлган ишночи катта куч экан. Қўшиқнинг жозибали сўзларини секин такрорлай бошладим. Куй бошланиб, овозим баландлади. Бутун борлиғимни кучли ҳаяжон қамраб олган, бу ҳаяжон овозимга қувват бераётгандек эди.

Қўшиқни куйлаб бўлганимдан сўнг Имомжон Икромов ташқарига қара, дегандек имо қилди. Дераза оша, ҳовлига кўз югуртирдим. Қарасам, карнай ёнида элликолтмиш чоғли киши йиғилишиб турарди. Улар қўшиққа маҳлиё бўлганча гуё сеҳрланиб қолгандай эди. Шундан кейин мен кетма-кет мумтоз қўшиқларни айта бошладим. Берта Давидова бўлиб танилишимга эса ўшандаги «Муножот» қўшиғи туртки бўлди.

ЎН САККИЗДА

«Ўн саккиз ёшундадурни куйладим»

«Муножот»ни айта бошлаганимдан сўнг катта санъаткорлар эътиборига тушдим. Коммунахоним, Мукаррамахоним, Галия Измайловалар мени ўз давраларига чорлашди. Улар билан республиканинг чекка қишлоқларига концерт қўйгани борардик. Кейинчалик «Насрибаёт», «Адашганман» каби кўплаб мумтоз қўшиқларни ўргандим. Дастлаб мен театр саҳнасида айтган «Ўн саккиз ёшундадур» қўшиғим ҳам кейинчалик эл орасида тилга тушди. Кўпчилик мухлисларим «Муножот»дан сўнг шу қўшиқни куйлаб беришимни сўрашарди. Бу қўшиқнинг яратилиши қизиқ бир воқеа билан боғлиқ...

Мен у пайтлар ўн саккиз ёшда эдим. Маннон Уйғур ҳозирги ўзбек миллий театри (илгариги «Ҳамза» номидаги) да «Алишер Навоий» драмасини саҳнага қўйганди. Машҳур санъаткор драма ўртасида қўшиқ куйлаши керак бўлган қўшиқчини обдон излаган эканлар. Сўнг менинг овозим уларга маъқул келиб қолиб, театрга таклиф этдилар. Бордим. Биринчи куни роса ҳаяжонга тушдим. Чунки, саҳнада қўшиқ куйлаш бошқа, драмадаги қаҳрамоннинг кечинмаларини қўшиқ билан ифодалаш бошқа экан! Лекин, қўшиқнинг сўзлари менга таскин берди. Инсоний изтироблар, ишқ оташи, кўнгилдаги ғам ва ҳаяжонга қоришиқ умидлар... Буларнинг ҳаммаси мен каби ўн саккиз ёшлиларнинг юрагидан жой олган туйғулар эди! Ўн саккиз ёшимда мен «Ўн саккиз ёшундадур»ни куйладим, йиллар ўтиб шу қўшиқ туфайли қайта-қайта олқишлар олдим.

Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошундадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшундадур...

Мен бу қўшиқни ҳали-ҳали ёлғиз кезларимда хиргойи қилиб юраман ва шунда ўша кунларга - ўн саккиз ёшимга қайтаётгандек ҳис этаман ўзимни. Қўшиқда сеҳрли куч бор, дейдилар. Бу рост!

ЭНГ ЯХШИ КЎЙЛАГИМ ОЛОВДА КУЙДИ

лекин санъатдан воз кечмадим...

Турмуш ўртоғим менинг санъаткор бўлишимга кўп маротаба қаршилик қилганлар. Чунки ўша кезларда қўшиқчилар ҳаётини нотўғри тасаввур қилгувчилар кўп эди. Хуллас, саҳнага чиқишимга йўл бермасди. Ҳатто бир куни концертдан келсам, у киши саҳнага чиққанда киядиган энг чиройли кўйлагимни ёқиб юборибдилар!Ярим йиллик«танаффус»дан сўнг яна саҳнага йўл олдим. Концертдан сўнг уйга қайтиш мен учун жуда оғир кечарди. Санъатдан воз кечолмаслигимни яқин кишимга тушунтириш йўлларини излардим. Баъзан қаттиқ ҳис-ҳаяжонлар ҳам нимагадир туртки бераркан. Бир куни ўзим янги ўрганаётган қўшиқни уйда секин хиргойи қила бошладим. Шу заҳотиёқ юрагимда изтироб уйғонди, дардли-аламли кунларим, ёнимдаги кишиларнинг мени тушунмаётгани, ҳаммаси бир-бир кўз ўнгимдан ўтди. Шунда сезиб қолдим, бу қўшиқнинг сўзлари менинг дардларимга ўхшаб кетаркан. Кейинчалик «Самарқанд ушшоғи»ни худди уйда хиргойи қилганимдагидек куйлай бошладим. Ўшанда англадимки, ҳар бир қўшиқни қачонки юрагинг пардаларидан ўтказиб, мазмунини дилдан ҳис этиб айтсанг янада жонли чиқаркан. «Самарқанд ушшоғи» ғамгин кунларимда яратилган энг машҳур қўшиғим бўлиб қолди.

САУДИЯЛИК МЕҲМОН

у атай мени излаб келган экан

Ишонсангиз мен бирор мартаям чет элга бормаганман. Бу жиҳатдан ҳозирги ёш санъаткорларга ҳавасим келади. Мустақиллик уларга катта имкониятлар берди. Улар хориж саҳналарида куйлашяпти, қўшиқ альбомларини чиқаришяпти, қандини урсин бариси! Ўтган йилги бир қувончли воқеани айтай. Саудия Арабистонида яшовчи бир мусиқашунос менинг қўшиқларим ёзилган магнит тасмасини эшитиб, овозимга маҳлиё бўлибди. Бир куни уйимиз остонасида менга мутлақо нотаниш чет эллик мухлисимни кўриб шунчалик қувондимки! У менинг исми шарифимни эски қадрдонлар каби меҳр билан айтди, сўнг хориждан келтирган оппоқ рангдаги кийим-кечакларни совға қилди. Ахир саудиялик мусиқа билимдони ўзбекистонлик қўшиқчини ахтариб келса, унинг овозини мақтаса бу қандай бахт! Ўзбек санъатига, бизнинг мумтоз қўшиқларимизга ҳавасу ҳайрат намунаси эмасми бу! Умуман, кейинги йилларда санъаткорларимиз ҳар жойда сийланиб, мумтоз қўшиқларимиз қайта қадр топаяпти. Мен ҳам кексалик йилларимда иззатландим, ўтган йили «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирландим. Ўғлим, келиним, набираларим ардоғида яшаяпман. Санъат институти талабаларига мумтоз қўшиқларни ижро этиш сирларидан сабоқ бераман. Ёш қўшиқчиларнинг ҳурмати ва ишончи менга янада тетиклик бағишлайди.

- Санъаткорлик тақдиримдан розиман, - деди Берта Давидова суҳбатимиз ниҳоясида. - Шу тақдир мени эл-юртга азизу мукаррам қилди. Одамлар юрагидан жой олганим эса менинг бахтим. Бир умр шу бахтга суяниб яшайман.

Кекса санъаткорга биз ҳам куч-қувват, узоқ умр тилаймиз.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Кексалик бекати жавоҳирлари

ИЛЛАТ

Олтинсой туманининг тоғли бир қишлоғида ёши юзга яқинлаб бораётган Машира момо Қорақулова яшайди. Ўтган умри давомида момо яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам кўп кўрди. Барисига чидади, сабр қилди. Кўз тегмасин, момо ҳали бардам.

Бир куни момо билан аҳволлашдим. Учрашганимнинг боиси шунда эдики, момо кўпдан буён мени истаб юрган, кўришишга муштоқ экан.

- Болам, мен колхозда кўп ишлаганман, - дея арзини бошлади момо. - Лекин, колхоз ишимни қадрламади, олаётган пенсиям жуда оз. Пенсиям ошса, шунга ёрдам берасизми деган эдим...

- Майли, момо, мен суриштираман, қўлимдан келганча ёрдам қиламан, - дедим.

- Шундай қилинг, болам, бир ойлик пенсиям сизларники, - деди момо.

- Йўғ-е, қўлимдан келса шундайига ёрдам бераман, - дедим момога.

Шунда момо бир ойлик пенсия камлик қилади, деб ўйлади шекилли, яна қўшди:

- Майли, болам, икки ойлик пенсиямни сизлар олингизлар...

Момонинг илтимосидан кейинги «таклифи»га эътибор қилмасак ҳам бўларди. Лекин... юзга қараб бораётган момонинг миясига бу оламда порасиз иш битмайди деб ким қуйган экан? Бу «таклиф»га у қалар аҳамият бермаса ҳам бўларди.

Лекин... Умрининг асосий шўролар даврида ўтган момо шу даврнинг иллатларини нега ҳаёлидан чиқариб ташламайди. Ҳатто бир асрнинг қорасини олган момонинг ҳам чўнтагига тажовуз қиладиган даражадаги юртдошларимиз борми? Йўқ бўлса нега... Майли. Лекин унинг ҳаёлидан бундай фикрни чиқариб ташлашга қодирмизми? Қодирлик бу бундай иллатдан холисликдир.

АРМОН

... Чолнинг бир армони, юрагида бир улкан жароҳати бор. Бу шундай оғир жароҳат эдики, уни табиб зоти даволай олмас эди. Чунки у дилидаги жароҳат эди.

...У ёлғиз ўғил эди. Ёлғизлиги майли, ҳаддан ташқари эрка, девона табиат эди. Эркалиги, девонасифатлиги ҳам майли, отасига, онасига озор ҳам берарди.

...У ўшанда ғайрати ичига сиғмаган ўсмир эди. Умр осмонида ўсмирликнинг тўфонлари чарх уриб айланаётган, ҳеч нарсани писанд этмас эди.

Бир куни шу эрка ўғил ниманингдир устидан кекса онаси билан айтишиб қолди. Онаси ўғлига «Фалон ишни қилинг!» - дея буюрди, йўқ, буюрмади, балки эмраниб, сўради, шекилли. Ўғил эса қайсарлик билан «Қилмайман», - деди ва ... қандайдир, қаердандир бостириб келган жаҳл устида... онаси раҳматлига қаратиб бўсағада турган оғир пойафзалнинг бирини улоқтириб юборди...

Шунда фарзанднинг кучга тўлиб келаётган қўлидан зарб билан отилган пойафзал онанинг билагига тегди. «Вой, жоним-а, жонима-а!» дея онаси раҳматли билагини силтаб, кўтариб, тушириб олаверди. Шу оғриқ устида ўғлига қараб жаврарди:

«Ҳа, уйғинанг буғдойга тўлсин-а, болам-а, еганинг полов бўлсин-а, болам-а...»

Ҳа, она бечора ўғлини қарғай олмас эди. Онанинг ўн тўрт фарзандидан ўлмай қолган ёлғизи эди у. Лекин жонидан ўтганидан...

Она шу гапларни айтаркан, кўзларидан тирқираб ёш келаверди. Агарки, кўзларига ёш келган бўлса, она шўрликнинг билаги оғриган экан-да...- Кўнгличи,кўнгли ҳам оғригандир-да.

Ўсмирнинг қулоқлари тагидан онаси кўзда ёш билан айтган шу гаплар умрининг охирига қадар михланиб қолди. Михланиб қолди эмас, онанинг оғриғли гаплари қулоқлари тагидан бир умрга кетмади.

Дарвоқе, онаси раҳматли ёлғиз ўғлининг гуноҳидан ўтдимикин...

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,
«Mahalla» мухбири.

ТАВАЛЛУД КУН МУБОРАК, КЕКСАЛАР

Биз Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги Ҳабибулла Қодирий номли кўчада яшаймиз. Маҳалламиз серфайз ва гавжум, чунки бу ерда турли миллат ва элат вакиллари яшашади.

Улар бир тан, бир жон бўлиб, маҳалланинг хайрли юмушлари ва барча тантаналарида иштирок этадилар.

«Қариси бор уйнинг - париси бор» деганлар. Кўплаб хонадонларда ҳурматли қарияларимиз қарилик гаштини суришяпти. Уларнинг таваллуд кунларига маҳалла фаоллари бефарқ эмас. Маликахон ая Раҳмонова яқинда 90 ёшни қаршиладилар. Улар педагогика соҳасида кўп йиллар ишлаб, узоқ йиллар ёш авлод тарбиясига ҳисса қўшиб келганлар. Маҳалламиздаги Маҳаммаджон ака Орипов ҳам уруш қатнашчиси. Урушдан сўнг Тошкентга қайтиб, 26-мактабда кўп йиллар дарс бериб келганлар. Кейинчалик маҳалла оқсоқоли сифатида фаолият кўрсатган. Ҳозирги кунда улар 82 ёшни қаршилаб, қарилик гаштини фарзандлари ва набиралари ардоғида. Маҳалла фаоллари бу ардоқли кексаларимизни қутлуғ таваллуд кунлари билан қизғин қутладилар.

Матлуба ЮСУПОВА,
Тошкент Давлат Педагогика Университети магистранти.

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, Сизнинг содиқ йўлдошингиз - MAHALLA

ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

● *КЕКСАЛАР ИЖОДИДАН*

ЭЛ ИЧРА ҲУРМАТ ТОПИНГ

Инсон ўзин инсонлигин илму ҳидоятдан топар,
Ҳам соҳиби давронлигин топса камолотдан топар.

Эл ичра ҳурмат, эътибор меҳру мурувватни билинг,
Қилган ҳалол меҳнат билан хотамча одатдан топар.

Юрса ёмонларга яқин юққай қозоннинг қораси,
Чун номин эл ичра юрар турли маломатдан топар.

Ким танласа йўл қинғирин енгил ҳаёт кўрмоқ учун,
То бир умр кунлик кунин ғафлат - ҳаробатдан топар.

Ким берса яхши тарбият агар қизу ўғлонига,
Роҳатларин элни берур раҳмат-саодатдан топар.

Юрса ўғил-қиз кеккайиб бойлигу мансаблар аро,
Қайтимларин юрт-элидан келган шикоятдан топар.

Хор этса ота-онасин ҳар икки одам хор ўлур,
Қайтар ўзин фарзандидан, элдан надоматдан топар.

Илмига ким қилмас амал, бўлса ҳақиқат-охират,
Пинҳон қилмишига жавоб даври қиёматдан топар.

Андижон вилояти. **Убайдулло МАМАШОЙИПОВ.**

● *Кекса оқсоқол ибрати*

ҚАРИЯ ДЕМАНГ БИЗНИ

Йўлингиз тушиб Қизилтепа шаҳрига борсангиз Тошпўлат Ҳамид номли маҳалла ҳақида албатта сизга гапириб беришади.

Бу маҳалланинг довруғи унга оқсоқоллик қилаётган Исомиддин Салимов фаолияти билан боғлиқ.

Айни вақтда саксон ёшда бўлган бу оқсоқол иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, қатор-қатор орден ва нишонлар соҳиби. Урушдан кейин ўқитувчилик қилиб, кўплаб шогирдлар етиштирган. Кейинроқ Қизилтепа туманида ижроқўм раиси ва шунга ўхшаш масъулиятли лавозимларда ишлаб келган. Пенсияга чиққандан кейин Исомиддин ота маҳалла аҳли ташвиши билаш яшади. Унинг бу одатини яхши билган маҳалла аҳли уни 1996 йилдан фуқаролар йиғинига раис этиб сайлади. Кекса бўлсада чаққон ва ғайратли оқсоқол қисқа вақт ичида «Энг намунали маҳалла оқсоқоли» шарафли номга сазовор бўлди ҳамда махсус диплом билан тақдирланди.

«Хадича»милий ҳунармандчилик фирмасининг чевар қизлари байрамга тухфа ҳозирлямоқдалар

- Маҳаллада уч мингга яқин киши яшайди, - дейди оқсоқол. - Ўтган йиллар давомида бу ерликлардан юқори ташкилотларга бирорта ҳам ариза тушмаган, барча муаммо маҳаллада ўз ечимини топади. Бунинг учун биз фаолларимиз кўмагидан фойдаланамиз.

Маҳаллада жойлашган Шавкат Сувонов, Шамси Сувоновлар бошчилигидаги савдо шахобчалари маҳалла аҳлини 8 тур маҳсулот билан мунтазам таъминлайди.

Шунингдек маҳаллада «Хадича» хусусий фирмасига қарашли 2 та зардўзлик цехи, тикувчилик цехи, сартарошхона, пойабзал устахоналари ишлаб турибди.

- Шаҳардаги Боязид Бастомий тарихий, меъморий обидасини таъмирлашга ҳам маҳалламиз ўз ҳиссасини қўшмоқда. Маҳалланни обод қилишда эса ҳомийларнинг хизмати катта, - дейди оқсоқол ўз суҳбати давомида. - Айниқса Нуриддин Ҳабибов, Шамси ва Одил Сувоновлар ҳар бир тадбирларимизга бош-қош бўлиб туришади.

Биз ғайрату шижоатда ёшлардан қолишмаётган кекса оқсоқолнинг ибратли ва хайрли ишлари ҳақида бундан кейин ҳам илиқ гаплар эшитаверамиз деб умид билдирамиз.

Хабибулла ҲОШИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

● *Изҳор*

ХИЗМАТИНГИЗ ВА ҲИММАТИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!

Биз, уч нафар кекса - Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ҳозирги кунда пенсионерлар, кўп сонли ўзимизга ўхшаган қариялар номидан газетангиз саҳифалари орқали бизга хизмат кўрсатувчи пойтахтнинг 700144 - алоқа бўлинмаси ходимларига миннатдорчилик ва ташаккуримизни изҳор қилмоқчи эдик. Бўлимга ходимларидан Олия Глазкова, Фаниля Шарифулиналар қариб ўн йилдан бери бу ерга келадиган мижозларга сидқидилдан хизмат қилмоқдалар. Улар айниқса, биз каби ёши улуғ кишиларга доимо алоҳида ғамхўрлик, инсонпарварлик кўрсатадилар. Биз уларнинг хизматидан ҳам, оламийлик фазилатларидан ҳам жуда хурсандмиз ва миннатдормиз.

Турғун ҒАФФОРОВ,
Сергей ОСИПЕНКО,
Николай ШИРОКИХ.
Тошкент шаҳри.

● *Эътироф*

ҲАЁТИМДА МАҲАЛЛАМНИНГ ЎРНИ КАТТА

Мен кўп йиллардан бери Шайхонтоҳур туманидаги Шайхонтоҳур маҳалласида истиқомат қиламан ва шу маҳалла ҳаётида маҳалла кенгаши аъзоси сифатида фаол қатнашаман. Ва албатта «Mahalla» газетасини мунтаззам ўқиб тураман.

Кейинги вақтларда газетангиз анча ўқимишли ва қизиқарли чиқяпти. Яхши мақолалар, лавҳалар, очерклар ва хабарлар босиляпти.

Газетанинг шу йил 17 июль сонини кўздан кечирар эканман «Ғафур Ғулом маҳалла жонкуяри эди» номли мақолани ўқиб, ўзимнинг ёшлик йилларимни эсладим. Чунки мен ҳам эски Ғулзор маҳалласида туғилиб воғга етганман. Менинг бобом Тўйчи хофиз ҳам шу маҳаллада яшаганлар. Шахсан менинг ҳаётимда маҳалла-қўйнинг таъсири, ўрни катта бўлган. Маҳалламизда маҳалла ва оила тарбияси туфайли комил, эл-юртга машҳур ва манзур бўлган инсонлар етишиб чиққан. Бобом Тўйчи Хофиз ҳам маҳалла ҳақида кўп яхши гапларни сўзлардилар. Айниқса, Ғафур Ғуломга ўхшаган атоқли инсонларнинг ҳамиша маҳалла билан ҳамнафаслиги ҳозирги кунда ҳам ўрнак олса арзийдиган ҳолдир. Ҳурматли Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли кўп қаватли уйлардаги маҳаллаларни ҳам ҳақиқий ўзбекона маҳаллаларга айлантириш чоралари кўрилмоқда. Бу борада барча маҳалла аҳли ва фаоллари ташаббус кўрсатишлари лозим албатта. Зеро, янги маҳаллаларда ҳам азалдан маҳаллаларимизга хос бўлган файзу тароват, қут-барака, яхши анъаналар, ўзбекона урф-одатлар барқарор бўлишини ҳаммамиз ҳам жуда хоҳлаймиз.

Ҳасан ТЎЙЧИЕВ,
истеъфодаги полковник.

«Тафаккур» журналининг янги сони босмадан чиқди. Биз қуйида унда эълон қилинган ҳужжатли асардан парчани муштарийлар эътиборига ҳавола қиламиз.

ИСЁН

Фожиа

НАИМ КАРИМОВ

Камина, аслида, бу асарнинг муаллифи эмас, балки ноширидирман.

Каминанинг хизмати минглаб архив ҳужжатлари орасида унутилиб ётган бу сўроқ қайдномасини топишим, уни рус тилидан ўзбек тилига таржима этишим, баъзи бир ибора ва ифодаларга ойдинлик киритишим ва айрим изоҳлар (ремаркалар) билан таъминлашимдир. Шунинг учун ҳам унга муаллифлигимни шартли маънода қабул қиласиз, деб умид қиламан.

Муаллиф

Биринчи кўриниш



1941 йил 4 июль. Кеч соат 23 дан 7 дақиқа ўтган. Терговхона. ЎзССР Давлат хавфсизлиги халқ комиссарлиги тергов бўлими бошлиғи Гнилошчеков, ЎзССР прокурорининг махсус ишлар бўйича ёрдамчиси Филипов ва стенограф тунги сўроққа тараддуд кўришмоқда. Гнилошчеков бармоқлари орасида тутиб турган папиросни кулдонга обдон эзиб, конвойни чақиради. Конвой киради. Гнилошчеков маҳбусни олиб киришни буюради. Маҳбус Боис Қориев конвой соқчилигида киради ва терговчи кўрсатган жойга ўтиради. Конвой чиқиб кетди.

САВОЛ **(стол устидаги қоғозни олиб, маҳбусга қарайди).** Бу сизнинг аризангизми?

ЖАВОБ **(оғир бир аҳволда).** Ҳа.

САВОЛ.Қачон ёздингиз?

ЖАВОБ.Кеча. Учинчи июлда.

САВОЛ.Аввалги кўрсатмаларингиздан воз кечганингиз тўғрисидаги бу аризани ёзишингизга нима сабаб бўлди?

ЖАВОБ.Аризада ҳаммаси айтилган.

САВОЛ **(қўполлик билан).** Биз сизни аввал берган барча кўрсатмаларингиздан воз кечишингизнинг сабабини билиш учун чақирдик (столга мушт уради).

ЖАВОБ **(прокурор ёрдамчисига мурожаат этиб).** Гражданин прокурор, мен сиз билан гаплашмоқчиман.

САВОЛ. Йўқ, аввал мен билан гаплашасиз.

(Прокурор ёрдамчиси маъноли томоқ қириб қўяди.)

ЖАВОБ. Сиз тергов бўлимининг вакилисиз, холос.

САВОЛ. Сизни сўроқ қилган терговчи бу ерда йўқ. Хўш, аввал берган кўрсатмаларингиздан нега воз кечяпсиз? Бу савол нафақат мени, балки тергов бўлимининг бошлиғини ҳам қизиқтиряпти.

ЖАВОБ. Мен берган барча кўрсатмалар туҳматдан иборат - мен шу ҳақда ариза ёзганман. Нега туҳмат, дейсизми? Чунки мен биринчи сўроқ пайтида бирорта айбни бўйнимга олмаганман. Фақат бир ярим ойдан кейингина, қийноқлар оқибатида кўрсатма бера бошлаганман.

САВОЛ **(юмшаб).** Сизни биринчи маротаба қачон сўроқ қилишган?

ЖАВОБ. Қамоққа олинган кунимнинг эртасига.

САВОЛ. Демак, 16 январда. Хўш, кейин-чи?

ЖАВОБ. Кейин, орадан 8 кун ўтгач, мени чақириб, «Мана, сиз ҳақингизда шунча материал тўпланди», дейишди ва сизнинг ҳузурингизга олиб киришди.

САВОЛ. Тўғри, менинг ҳузуримга олиб киришган. Хўш, сизга нима дейишган эди ўшанда?

ЖАВОБ. «Бошингизни кунда устида турибди, деб ҳис этинг. Энди ҳамма айбни бўйнингизга олмасдан бошқа иложингиз йўқ», деб айтишган.

САВОЛ. Ким айтган?

ЖАВОБ. Терговчи.

САВОЛ. Қачон?

ЖАВОБ. Тергов бўлимининг бошлиғи олдидан қайтганимдан кейин.

САВОЛ. Тергов бўлимининг бошлиғи сизни кўрсатма беришга мажбур қилмаган, шекилли?

ЖАВОБ. У: «1930 йилда айтмаган нарсангизни энди айтиб беринг», деб оёқ тираб туриб олган.

САВОЛ. Саволни жуда тўғри қўйибди. Биз биламиз - сиз ўшанда оғзингизга талқон солиб, кўп гапни айтмагансиз.

ЖАВОБ. Мен тергов бўлими бошлиғи тўғрисида гапирмаяпман. Буни терговчининг ўзи айтган: «Мана, қўлимда бир дунё материал бор. Бошқа иложингиз йўқ. Бўйнингизга олинг. Шунча вақтдан буён муғомбирлик қилдингиз, энди фойдаси йўқ», деган.

САВОЛ. Демак, аввал берган кўрсатмаларингизнинг ҳаммаси ёлғонми?

ЖАВОБ. Ҳа, ҳаммаси ёлғон!

САВОЛ. Ўз қўлингиз билан ёзиб берган кўрсатмаларингиз-чи? Сиз уларни «нима бўлса бўлар» деган кайфиятда ёзганмисиз? **(Маҳбус, «ҳа», дегандек бош қимирлатади.)** Демак, ўз қўлингиз билан ёзган кўрсатмаларингиз ҳам бўҳтондан иборат. Шундайми?

ЖАВОБ **(ноилож).** Шундай.

САВОЛ. 1941 йилда берган кўрсатмаларингиз билан 1930 йилда сиз ва бошқа маҳбуслар берган кўрсатмалар ўртасида заррача ҳам фарқ йўқ.

ЖАВОБ. Бундан хабарим бор. Лекин ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди: Ўлмасбоев билан юзлаштиришганда ер ёрилмадию ерга кириб кетмадим. У менга: «Сен ҳаммага туҳмат қиляпсан, аблаҳ!» деган! **(Бақириб.)** Тушуняпсизми, демак, бошқалар ҳам мени аблаҳ деб ўйлаган!

САВОЛ **(вазиятни юмшатмоқчи бўлиб).** Сизнинг раддиянгиз фақат шунга асосланганми? Биз қандайдир Ўлмасбоев-Ўлмасбоевларнинг сўзларига эмас, балки Икромовнинг кўрсатмасига ишонамиз. Ўлмасбоев Икромовнинг аксилинқлобий гуруҳи борлигини тан олмаган. Сиз эса тан олгансиз. Аммо бу ҳол сизнинг ёлғон кўрсатма берганингизни англатмайди. Сиз ўз кўрсатмангизда ўн йил мардона турдингиз. Буни мардлик деса ҳам бўлади! **(Ўзининг қўлини ўзи қисиб, маҳбусга раҳмат айтгандек бўлади. Сўнг.)** Биласизми, сиз ҳатто, Ўлмасбоев ҳақида ҳеч нарса билмайман, деб оёқ тираб туришингиз мумкин эди. Сизда шундай имконият бўлган. Шундайми?

ЖАВОБ **(юмшаб).** Шундай.

САВОЛ **(сохта меҳрибончилик ва майин овоз билан).** Нега шу имкониятдан фойдаланмадингиз?

ЖАВОБ. Мен гапира бошлаган эдим, аммо сиз ўзингизни тушунмаётганга олдингиз.

САВОЛ. Ахир, оғзингизга қулф солмадим-ку!

ЖАВОБ. Ҳа, оғзимга қулф солмадингиз. Аммо терговчи: «Сен аксилинқлобчисан, бало-баттарсан», деб ўдағайлаб кетди.

САВОЛ **(яна ўз қиёфасига кириб).** Нима, терговчи Баришев сизнинг рақсга тушишингизни кузатиб турсинми? Ким сиздан ошириб-тоширишни сўради?

ЖАВОБ **(хомушона).** Ҳамма айб ўзимда. **(Икки қўли билан пешонасига муштлайди.)**

САВОЛ. 1930 йили Москвада, 1937 йили Тошкентда, 1941 йили яна Тошкентда тергов пайтида ошириб-тоширишни сиздан ким талаб қилди?

ЖАВОБ. Мен аввалги кўргазмаларимни рад этмоқчи бўлганимда терговчи Баришев мени 10 суткага карцерга ташлаш билан қўрқитган!

САВОЛ. Карцер ҳақида қачон гапирган?

ЖАВОБ. Эслолмайман. Бу гап, чамаси, акамга ёзган хатимни текшириш пайтида бўлиб ўтган.

САВОЛ. Терговчи акангизга ёзилган хат масаласига қадар ҳам сизга дўқ-пўписа қилганми?

ЖАВОБ. Бунга қадар дўқ-пўписа қилмаган.

САВОЛ. Шундай экан, нима учун сиз ёлғон кўрсатма бергансиз?

ЖАВОБ. Айтяпман-ку, аввалги кўрсатмаларимга қарши чиқмаслик учун! Модомики, аксилинқилобчи эканман, охиригача аксилинқилобчи бўлиб қолай, дедим.

САВОЛ **(ўрнидан туриб, хонанинг у бошидан-бу бошига юрди, сўнг ҳукм ўқигандек).** Маҳбус Қориев, ҳануз кўнглингиздаги кирни ювиб ташламагансиз. Кўнгли кирдан холи бўлмаган жиноятчи эса хоҳлаган аризасини ёзавериши мумкин. Унга қолса, терговнинг энг тўғри ва ҳаққоний усулларини ҳам қорага чаплаб ташлаш ҳеч гап эмас! **(Маҳбусга яқин келиб, уни гирибонидан олади-да, даст кўтаради.)** 1930 йили терговчи сени Тошкентда ҳам, Москвада ҳам нотўғри сўроқ қилган! 1941 йили Тошкентдаги тергов, сенинг назарингда, нотўғри олиб борилмоқда. Хўш, нега 3 июлга қадар бундай аризаларни ёзмаган эдинг? **(Маҳбуснинг тумшуғига мушт туширади. Маҳбус йиқилади.)**

ЖАВОБ **(йиқилган жойидан туриб, мардона).** Мен шу кунга қадар ўзимни шу аризани ёзишга тайёрлаб келдим.

САВОЛ. Сенда бизнинг олдимизга келиб тавба-тазарру қилиш ва «Шу вақтга қадар ёлғон кўрсатма берганман», деб виждонан айтиш имконияти бор эди. Энди ўнлаб кишиларнинг кўрсатмаларига ўхшаш бўлган аввалги кўрсатмаларингни рад этиб кўргинчи! **(Масхара қилгандек.)** Сен бугун бизга бирорта ҳам янги гап айтмадинг. Сен бизга 1930 йилга қараганда ҳам оз маълумот бердинг. **(Жирканиб.)** Ўзинг ўйлаб кўр, нимадан воз кечмоқчисан? **(Столга мушт уриб.)** Сен 10 йил қамоқда ачиб-сасиб ётсанг ҳам заррача тузалмабсан! Қандай миллатчи бўлган бўлсанг, ҳали ҳам ўшандай жирканч миллатчисан!

ЖАВОБ **(ўрнидан туриб).** Бу - сиз чиқарган хулоса.

САВОЛ. Бизнинг бу хулосамиз сен берган кўрсатмаларга асосланган. Ўйлаймизки, раҳбарият ҳам бизнинг бу хулосамизни маъқуллайди.

ЖАВОБ **(умидвор бир ҳолда).** Расмий хулосани қачон маълум қиласиз?

САВОЛ. Яқинда. Қаерга шошяпсан? Қамоқхона - иккинчи она уйинг-ку!

ЖАВОБ **(терговчининг сўзларига эътибор бермай).** Хулосани Ҳарбий коллегия берадими?

САВОЛ. Балки Ҳарбий коллегия берар, балки прокурор. Бунинг аҳамияти йўқ.

Прокурор ёрдамчиси маъноли томоқ қириб, ўтирган ўрнидан бир қўзғалиб қўяди.

ЖАВОБ **(ноилож).** Яхши. Фақат хулоса адолатли бўлсин.

Терговчи тугмачани босади. Конвой киради. Терговчи конвойга маҳбусни олиб кетишни ишора қилади. Сўнг радиокарнайни бурайди. Карнайдан Левитаннинг янгроқ овози эшитилади: «Говорит Москва. Сегодня 5 июля. Московское время 00.55 м.» Сухандон овози қоронғилик ва турли шовқин орасига сингиб кетади.

Қоронғилик. Лазер нурлари оша маҳбуснинг калтаклангани ва ҳолдан тойиб йиқилгани кўринади. Даҳшатли мусиқа.

Иккинчи кўриниш

1941 йил 17 июль. Яна ўша манзара. Маҳбус Боис Қориев терговчи ҳузурида фалаж бир ҳолатда турибди.

САВОЛ. Хўш, яна қандай шикоят билан келдинг?

ЖАВОБ. Гражданин терговчи... **(Гапиролмайди. Сўнг қўлидаги қоғозга қараб ўқийди.)** «Менинг 1941 йил 3 июлдаги аризам якка камерада ўтирган пайтимдаги васвасали ҳолатим таъсирида ёзилган. Мен тергов бўлими бошлиғи ва прокурор ёрдамчиси билан бўлган самимий суҳбатдан кейин катта сиёсий хатога йўл қўйганимни англадим. Мен ҳали ҳам миллатчи ва аксилинқилобчи сифатида қўйнимдаги тошни ташламаган эканман. 1930 ва 1940 йилдан берган барча кўрсатмаларим тўғри. 3 июлда ёзган аризамни қуйидириб ташлашингизни илтимос қиламан». **(Маҳбус шу сўзларни айтиши билан йиқилиб, ҳушидан кетди.)**

ПАРДА

«Тафаккур» саҳифаларида



АҲИЛ МАҲАЛЛА - АСЛ МАҲАЛЛА

Тошкентдаги Собир Раҳимов туманига қарашли Гузарбоши маҳалласида 508 хонадон истиқомат қилади. Маҳалладаги 2 та сартарошхона, битта омонат кассаси, пойабзал устахонаси, 3 та қариялар оромгоҳи, тўйхона, каратэ спорт мажмуаси, 3 та савдо дўкони, 2 та мактаб, супермаркет, стаматология ва амбулатория маҳалла аҳлига беминнат хизмат кўрсатади.

- Маҳалламиз аҳли ўзаро аҳилликда яшашади, - дейди маҳалла оқсоқоли Турсунхўжа ака Эргашев. - Қариялар маҳалламиз файзи. Улар ҳар ишда фаол, маслаҳатгўй...

Яқинда таъмирланган қарияларнинг ёзги дам олиш оромгоҳи, ички йўллар, ҳашар йўли билан ремонтдан чиқарилган 2 та ўрта мактаб маҳалла чиройига чирой қўшиб турибди. Яқинда 2 ногиронга аравача, 12 нафар қарияга пансионатда дам олишлари учун йўлланмалар тақдим этилди.

Бундан ташқари маҳаллада «Китобсеварлар» жамияти томонидан қўшни маҳаллалар билан тадбирлар, турли мусобақалар ўтказилиб борилади. Маҳалла қариялари, фахрийлари билан мактаб ўқувчилари ўртасида учрашувлар ташкил этилган.

Ҳа, «Элинг тинч - кўнглинг тинч» - нақлига амал қилаётган бу маҳалланинг аҳиллиги киши ҳавас қилгуликдир.

Марям АХМЕДОВА, Шарифа УСМОНОВА.

МАҲАЛЛА КУНИ:

ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН ТОМОШАЛАР

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида «Маҳалла куни»ни ўтказиш анъанага айланиб қолган.

Яккабоғ туманидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилаётган ушбу тадбирнинг илгариги йиллардагидан фарқи шуки, бунда ҳар бир маҳалла махсус дастур асосида театрлаштирилган томошалар намойиш этаётир. Томошаларда халқимиз ўтмиши, қадим қадриятлари, анъаналари, урф-одатлари ўз ифодасини топган. Турли беллашувлар, танловлар, айтишувлар, савол жавоблар, спорт мусобақалари ҳамда «Озод юрт - обод юрт», «Истиқлол қадри», «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз», «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзулардаги давра суҳбатлари ҳам «Маҳалла куни»нинг юксак савияда ўтказилишини таъминлайди.

Қашқадарё

ЖИНОЯТЧИ АЁЛ БЎЛСА...

Қарши шаҳридаги Ойдин маҳалласида ўтказилган учрашув «Аёл жиноятга қўл урмасин» деган мавзуни ўз ичига қамраб олганди.

Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг қонунчилик, ҳуқуқ тартибот ишлари, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссия, вилоят «Оила» илмий маркази, «Маҳалла» жамғармаси томонидан ташкил этилган бу тадбирда асосан аёллар ўртасида жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг олдини олиш ҳақида гап борди. Сўзга чиққан суд, прокуратура, милиция ходимлари, хотин-қизлар қўмиталари ходимлари, ўқитувчилар, маҳалла фахрийлари аёллар ўртасида жиноятчиликнинг юз бериши сабаблари хусусида гапирдилар. Аёл киши нега жиноятга қўл уради? Оиласидаги носоғлом муҳит туфайлими? Ёки унинг қай оилада ўсиб-улғайгани сабаб бўладими бунга? Агар оилалар тақдири шахсий деб қаралмай, балки уларга атрофдагилар ўзларини масъул деб билсалар, кўпгина муаммолар ҳал этилар?!

Маҳалладаги намунали оилалар эгаларининг, ҳаётий тажрибалар асосида сўз юритишгани эгаларининг кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ, «Mahalla» мухбири.

Янгиланган бор...

ОЙ ҲАЛИ ЙЎҚ



Тузувчи Д.АЪЗАМОВА

Мусаввир хандаси

Х.СОДИКОВ чизган.

ЮЛДАШЛАР ТАВСИЯСИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Ўтган ҳафтада соғлиғингизни бироз бўлса ҳам мустаҳкамлаб олган бўлсангиз, демак сизни кутиб қолган жиддий вазифаларни бажаришга киришишингиз мумкин.

СИГИР(22.04 20.05)
Оилангизда можаро юз беришининг олдини ололсангиз бўлди. Касбий фаолиятингиз бир маромда давом этмоқда.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Кўп сонли дўстларингиз орасида ҳақиқийларини ажратиб олиш фурсати етди. Чунки барчага бирдек ёқишнинг ҳеч иложи йўқ.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Шу кунларда кайфиятингиз кўтаринки. Бу ҳолатдан фойдаланиб қолувчилар, қаршилик кўрсатмаганингиз маъқул.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Молиявий муаммолар ортда қолиб, ўзингизни бироз ўнглаб олган бўлсангиз, рўзғор ташвишлари билан шуғулланиг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Шу кунларда дўстларингиз, яқинларингиз даврасида кўпроқ бўлишга ҳаракат қилинг. Оилада фарзандларингизга эътиборли бўлинг.

ТАРОЗУ (23.09-22.10)
Меҳмонга боришни ва меҳмон кутишни хуш кўрсангиз бу ҳафтани кўнгилли ўтказасиз. Чунки кўплаб меҳмон кутишга ва меҳмонга боришга тўғри келади.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Айрим майда-чуйда ташвишларни ҳисобга олмаганда ёз фасли Сиз учун соз ўтмоқда. Шу жамладан ушбу ҳафта ҳам.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Транспортда юрганда, ҳатто ишда ва уйда ҳам техника хавфсизлигига қаттиқ риоя этишни маслаҳат берамиз. Эҳтиёткорлик ҳамиша лозимдир, айниқса шу кунларда.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)
Шу кунларда атрофингиздагиларнинг бутун эътибори Сизга қаратилган. Бу ҳолатдан унумли фойдаланиш ўзингизга боғлиқ.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Шу кунларда кўпчилик Сиздан ёрдам сўраши мумкин. Уларнинг ҳаммасига ёрдам беришга имконим бор десангиз хато қиласиз.

БАЛИҚ(19.02-20.03)
Ўзингизни ҳам ўйлаш фурсати етди. Чунки муаммолар ҳамиша ҳам топилади. Шунинг учун уч-тўрт кун ўзингизга таътил уюштиринг.

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ

Саҳифаловчи: Чарос БАКИРОВА

Навбатчи: Мавлуда ҚОСИМОВА

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

Буюртма Г-626

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Топширилди—